

TOSHKENT HAQIQATI

2026-yil

11-iyul

SHANBA

№ 55 (13916)

viloyat ijtimoiy-siyosiy gazetasi

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline_24

Haqiqat online

haqiqatonline_

Тошкент вилояти – Беларусь:

Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев бошчилигидаги делегациянинг Беларусь Республикасига амалга оширган амалий ташрифи икки мамлакат ҳудудлари ўртасидаги ҳамкорликни янги bosqichga олиб чиқди.

Халқаро ҳамкорлик

СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИНГ
АМАЛИЙ САМАРАЛАРИ

Бир неча кун давом этган учрашувлар иқтисодиёт, саноат, илм-фан, қишлоқ ҳўжалиги ва инвестициялар соҳаларида истиқболли лойиҳаларга йўл очиб, қатор муҳим қелишувлар билан якунланди.

Ташриф Минск шаҳрида Беларусь Республикаси Президенти Ишлар бошқармаси бошчилигининг ўринбосари Николай Шерстнёв билан учрашудан бошланди. Сўхбатда Ўзбекистон ва Беларусь ўртасидаги стратегик шериклик муносабатлари изчил ривожланиб, таълим, саноат, қишлоқ ҳўжалиги, инвестициялар, соғлиқни сақлаш, таълим, туризм ва гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик истиқболлари муҳокама қилинди.

Зойир Мирзаев Тошкент ви-

лоятининг иқтисодий салоҳияти, экспорт имкониятлари ва инвесторлар учун яратилган қулай шарт-шароитлар ҳақида маълумот берди. Беларусь томони эса қўшма инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва ишбилармон доиралар ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтиришга тайёр эканини билдирди. Учрашув якунида истиқболли лойиҳаларни бир-галликда амалга ошириш бўйича қелишувларга эришилди.

Ташриф давомида делегация Беларусь Миллий фанлар академиясининг Генетика ва ситология институтида ҳам бўлиб, биотехнология, генетика ва инновациялар соҳасидаги ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилди.

(Давоми 2-саҳифада) ►



Вилоят бо'йлаб

TOSHKENT viloyatida qurilish materiallari yo'nalishida sanoat yarmarkasi bo'lib o'tdi. Unda viloyatdagi sanoat zonalarida faoliyat yuritayotgan korxonalar hamda "Angren" erkin iqtisodiy zonasi rezidentlari zamonaviy va raqobatbardosh mahsulotlarni keng jamoatchilik hamda mahalliy tadbirkorlarga namoyish etishdi. Tadbirida yangi mahsulotlar bo'yicha taqdimotlar o'tkazilib, mahalliy tadbirkorlar bilan B2B uchrashuvlari tashkil etildi. Shuningdek, yangi biznes hamkorlar topish, mahsulot yetkazib berish bo'yicha shartnomalar tuzish va istiqbolli kelishuvlarga erishildi.

NURAFSHON shahridagi Cyber universitetida Milliy gvardiya qo'mondoni, general-polkovnik B. Tashmatov, Yoshlar ishlari agentligi viloyat boshqarmasi boshlig'i N. Xojiyev hamda shahar hokimi Q. Hamdamov yoshlar bilan ochiq muloqot o'tkazishdi. Uchrashuvda 300 dan ziyod muddatli harbiy xizmatni o'tab qaytgan, tadbirkorlik faoliyatini yo'lga qo'yish istagidagi, o'zining taklif va tashabbuslariga ega yoshlar qatnashishdi. Muloqotda mas'ullar tomonidan yoshlarning bandligini ta'minlash, tadbirkorlik tashabbuslarini ro'yobga chiqarish yuzasidan tavsiyalar va amaliy yechimlar berildi.

BEKOBOD tumanining "Beshyuz", "Farhod", "Birdamlik", "Bog'ishamol" va "Dehqonobod" mahallalari yoshlari uchun ma'naviy kecha tashkil etildi. Gulxan atrofida kechgan samimiy mushoirada yoshlar Vatanga muhabbat, tinchlik, do'stlik, insoniylik va ezgu qadriyatlarini tarannum etuvchi she'rlar o'qishdi. Mazmunli suhbatlar va iliq davra ishtirokchilarga ko'tarinki kayfiyat ulashish bilan birga, kitobxonlik madaniyatini o'stirish, yoshlarning bo'sh vaqtini mazmunli tashkil etishda muhim ahamiyat kasb etdi.

O'simliklar karantini va himoyasi agentligi viloyat boshqarmasi **BO'STONLIQ tumani** bo'limi inspektorlari tomonidan tumandagi fermer xo'jaliklarida fitosanitar dala nazorati o'tkazildi. Monitoring davomida ekinlarning fitosanitar holati o'rganilib, kasalliklar, zararkunandalar va begona o'tlarning mavjudligi yuzasidan nazorat ishlari amalga oshirildi. Shuningdek, fermerlarga ekinlarni himoya qilish, agrotexnik tadbirlarni to'g'ri tashkil etish hamda hosildorlikni oshirish bo'yicha amaliy tavsiyalar berildi.

QIBRAY tumani hokimligi tashabbusi bilan tuman Tibbiyot birlashmasi tomonidan "Uzumzor" mahallasi aholisi chuqurlashtirilgan tibbiy ko'rikdan o'tkazildi. Ko'rik davomida fuqarolar terapevt, kardiolog, nevropatolog, endokrinolog, ginekolog, pediatr, jarroh, LOR, oftalmolog kabi tor mutaxassislar ko'rigidan o'tishdi. Shuningdek, shu yerning o'zida laboratoriya va diagnostik tekshiruvlar amalga oshirilib, bepul tibbiy maslahat va tavsiyalar berildi.

“КЕЛАЖАККА КЎПРИК”:
ҒОЯЛАР ВА ИМКОНИЯТЛАР
УЧРАШГАН МАНЗИЛ

Анжуман

Қайд этиш жоизки, эндиликда ёшлар дипломатияси давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашнинг муҳим воситасига айланмоқда. Хитойда ўтказилган “Келажакка кўп-

рик” Хитой ва Марказий Осиё ёш лидерларининг ўқув-тажриба алмашинув дастури ана шу мақсадга хизмат қилиб, минтақа ёшларини янги ғоя ва ташаббуслар атрофида бирлаштирди.

Дастурда Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Тошкент вилояти Кенгаши раиси Мухриддин Ҳамзаев бошчилигидаги делегация ҳам иштирок этди.

Ташриф доирасида Шенси провинцияси Ёшлар федерацияси раҳбарияти

билан ўтказилган учрашувда қўшма таълим ва инновацион лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда ўзаро шерикликни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Шунингдек, вилоятимиз делегацияси раҳбари анжуманда сўзга чиқиб, сўнгги

йилларда мамлакатимизда ёшларга яратилаётган кенг имкониятлар, уларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш ва халқаро ҳамкорликни кенгайтириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида фикр юритди.

Мулқотлар натижасида таълим, рақамли технологиялар, сунъий интеллект, стартаплар, яшил иқтисодиёт ва туризм соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш бўйича муҳим қелишувларга эришилди. Бу эса келгусида ёшларнинг қўшма ташаббуслари ва инновацион лойиҳалари учун янги имкониятлар эшигини очди.

Ташриф давомида делегация аъзолари Хитойнинг тараққиёт тажрибаси, экологик маданияти, замонавий

инфратузилмаси ва соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлашга қаратилган ёндашувлари билан яқиндан танишишди.

“Келажакка кўприк” дастури ана бир бор шуни кўрсатдики, ёшлар ўртасидаги очиқ мулоқот ва ишончга асосланган ҳамкорлик мамлакатлар ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш, умумий тараққиёт мақсадларига эришишнинг энг самарали йўлидир.

Ўз мухбиримиз

Қулайлик

ЗАМОНАВИЙ АВТОБУСЛАР
АҲОЛИ ХИЗМАТИДА

Вилоятимизда аҳоли учун қулай ва замонавий жамоат транспорти тизимини яратиш, йўловчиларга кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш ҳамда транспорт инфратузилмасини янада ривожлантириш борасида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Ушбу ислохотлар доирасида экологик тоза ва замонавий автобусларни йўналишларга чиқариш орқали аҳолининг кундалик қатнови учун янада қулай шароитлар яратилмоқда.



Куни кеча Чирчиқ шаҳрида янги «Анкау» русумидаги автобуслар аҳоли хизматида топширилди. Шу муносабат билан таш-

кил этилган тadbирда шаҳар ҳокими Муроджон Абдурахимов, депутатлар, нурунийлар ҳамда маҳалла фаоллари иштирок этишди.

Лойиҳа «ZiyoTrans» МЧЖ томонидан амалга оширилган бўлиб, унинг биринчи bosqichida шаҳарга 35 та замонавий, экологик тоза

автобус олиб келинди. Йил якунига қадар уларнинг сонини 70 тага етказиш режалаштирилган.

Янги автобуслар даст-

лаб учта: “Бўстон санаторийси – Янги Ўзбекистон массиви” (5-МТМ), “Бўстон санаторийси – 3-микрорайон” ҳамда “Мурувват”

маҳалласи – Озодбош қишлоғи” йўналишларида йўловчиларга хизмат кўрсатади.

Масъулларнинг маълум

қилишича, кейинги bosqichda яна иккита янги йўналишда автобуслар қатнови йўлга қўйилади.

Ўз мухбиримиз

Тошкент вилояти – Беларусь: СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИНГ АМАЛИЙ САМАРАЛАРИ

Учрашувда инсон геномикаси бўйича қўшма илмий тадқиқотлар ўтказиш, Тошкент вилоятида "Персоналлаштирилган тиббиёт ва генетик паспорт" тизимини босқич-ма-босқич жорий этиш, шунингдек, иқлим ўзгариши, сув танқислиги ва тупроқ шўрланиши шароитига мос қишлоқ хўжалиги экинларини яратиш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан келишувларни музокаралар ўтказишди.

Қолаверса, чорвачиликни илмий асосда ривожлантириш, наслчиликни такомиллаштириш ва замонавий генетик технологияларни жорий этиш масалалари ҳам келишувларнинг муҳим йўналишларидан бири бўлди.

Сафарнинг навбатдаги кунда вилоят делегация аъзолари Беларуснинг йирик саноат ва аграр ҳудуди бўлган Могилёв вилоятида бўлишиб, вилоят Ижроия қўмитаси раиси биринчи ўринбосари Сергей Савицкий билан музокаралар ўтказишди.

Учрашувда машинасозлик, озиқ-овқат саноати, қишлоқ хўжалиги, фармацевтика, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, логистика, таълим ва инновациялар соҳаларидаги ҳамкорлик истиқболлари муҳокама қилиниб, қўшма корхоналар ташкил этиш, технологиялар трансфери, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ҳамда экспорт-импорт алоқаларини кенгайтириш юзасидан келишувларга эришилди.

Бундан ташқари, Могилёв вилоятидаги ташриф чоғида қатор етакчи агросаноат корхоналари фаолияти билан ҳам танишилди. Жум-

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)



ладан, "Могилёвский мясокомбинат" корхонасида халқаро "Халол" стандартлари асосида маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни ўрганилиб, ушбу бренди Тошкент вилоятида маҳаллийлаштириш, технология ва рецептураларни жорий этиш масалалари муҳокама қилинди.

Шунингдек, "Бабушкина кринка" акциядорлик жамиятида Беларусь технологиялари асосида сут ва пишлоқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қуруқ сутни қайта ишлаш ҳамда Марказий Осиё учун савдо-логистика марказини ташкил этиш имкониятлари кўриб чиқилди.

"Александровское" чорвачилик комплексидан эса замонавий бошқарув тизими, сутчилик ва гўшти қайта ишлашнинг тўлиқ ишлаб чиқариш занжири билан танишилди. Томонлар Тошкент вилоятида шундай комплексларни ташкил этиш ва соҳага илғор технологияларни жорий этиш бўйича ҳамкорлик қилишга келишиб олдилар.

Шунингдек, Могилёв вилоятига сафар давомида ёғочни чуқур қайта ишлаш соҳасида ҳам янги ҳамкорлик йўналишлари белгилаб олинди. Вилоят ҳокимининг ўринбосари Жаҳонгир Мамажонов мазкур ҳудуддаги Шклов шаҳридаги "Завод газетной бумаги" корхонаси фаолияти билан танишди. 800 нафардан зиёд ҳодим меҳнат қилаётган корхона газет ва офсет қоғози, крафт-қоғоз, гофрланган картон ҳамда ёғоч асосидаги қурилиш материалларини ишлаб чиқариб, маҳсулотларини 30 дан ортиқ мамлакатга экспорт қилмоқда.

Музокарада Тошкент вилоятида ёғочни чуқур қайта ишлаш, замонавий ёғоч уйлар ишлаб чиқариш тизими, сутчилик ва гўшти қайта ишлашнинг тўлиқ ишлаб чиқариш занжири билан танишилди. Тошкент вилоятида шундай комплексларни ташкил этиш ва соҳага илғор технологияларни жорий этиш бўйича ҳамкорлик қилишга келишиб олдилар.

Сафар давомида Тошкент вилояти делегацияси мамлакатнинг етакчи саноат компаниялари билан ҳам қатор самарали музокаралар ўтказди. Хусусан, вилоят ҳокимининг ўринбосари Жаҳонгир Мамажонов бошчилигида "ЮБР" конструкторлик бюроси, "БЛЮМИНГ", "АЛЮТЕХ" ҳамда "COSWICK" компаниялари раҳбарлари билан учрашувлар ташкил этилди.

Музокаралар давомида ушбу компанияларнинг илғор ишланмаларини Тошкент вилоятида жорий этиш, қўшма ишлаб чиқариш қувватларини яратиш, юқори технологияли маҳсулотларни маҳаллийлаштириш, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва янги иш ўринлари ташкил этиш масалалари муҳокама қилинди.

Учрашувлар якунида саноат кооперациясини кенгайтириш ва истиқболли лойиҳаларни амалий босқичга олиб чиқиш бўйича келишувларга эришилди.



▼ "Бир маҳалла – бир маҳсулот"

Юртимизда аҳоли бандлигини таъминлаш, оилалар даромадини ошириш ва камбағалликни қисқартириш борасида амалга оширилаётган ислохотларда "Бир маҳалла – бир маҳсулот" тамойили муҳим ўрин тутди. Ушбу ёндашув ҳар бир маҳалланинг табиий имкониятлари, аҳоли тажрибаси ва бозор талабидан келиб чиққан ҳолда муайян маҳсулот етиштиришга ихтисослашишини назарда тутди. Бу эса томоғқа ерларидан унумли фойдаланиш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли турмуш даражасини яхшилашга хизмат қилмоқда.

"МИНГТЕПА" ТАЖРИБАСИ ОММАЛАШМОҚДА



Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси ҳамда Пискент тумани ҳокимлиги ҳамкорлигида оммавий ахборот воситалари ва блогерлар учун ташкил этилган пресс-турда шу жиҳатга эътибор қаратилди. Тадбир давомида журналистлар ҳудудларда амалга оширилаётган ижобий тажрибалар, аҳоли бандлигини таъминлаш ва томоғқачиликни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишишди.

Тумanning "Мингтепа" маҳалласида бугунги кунда 636 та хонадон, 1 минг 42 та оила истиқомат қилади. Томоғқа ерларининг умумий майдони 114 гектарни ташкил этиб, аҳолининг қарийб 90 фоизи узумчиликка ихтисослашган. Ҳудудда узумчилик билан шугулланиш авлоддан-авлодга ўтиб келаётган қадриятга айланган.

"Бир маҳалла – бир маҳсулот" тамойили асосида маҳаллада қўшимча 67 гектар майдонда янги тоқорлар ташкил этилди. Деҳқон хўжаликларини ривожлантириш

учун имтиёзли кредитлар ажратилди. Натижада 80 нафар фуқаро доимий иш билан таъминланди. Аҳолининг даромади ортиб, оилаларга барака кирди.



– Суягим деҳқончиликда қотган, – дейди Умнатқул Раҳмонов. – Ҳозир 69 ёшдаман. Шу кунгача ердан ажралганм йўқ. Ерга меҳр берсангиз, у ҳам баракасини аямайди. Токзоримизда 7-8 хил узум навлари бор. "Чиллаки", "Ризамат", "Чарос", яна кузги навларни ҳам парвариш қиламиз. Эндиги ниятим шу тажрибамни невараларимга ўргатиш. Ҳозирда бир бош узумимиз ўртача 600-700 грамм келади, 1 килограмм тош босадиганлари ҳам бор. Ҳозиргача бир ярим тоннага яқин ҳосил сотдик. Даромади ҳам яхши бўляпти.

Шу маҳаллалик Алёр Хидиров малиначилик билан шугулланади. Қисқа вақт ичида у малиначиликни мўмай даромад манбаига айлантира олди.

– Жами 70 сотих ерда малина парваришляпмиз, – дейди А.Хидиров. – Бир сотихдан ўртача 3-4 миллион сўм фойда оламиз. Ҳовлимиздаги

15 сотих ерда 6 нафар оила аъзоси доимий меҳнат қилади. Асосан "Полка" навини етиштирамиз. Бу нав май ойининг охирида бoшланиб, то ерга қор тушгунча ҳосил беради. Кўчатларни томчилатиб сугориш технологияси асосида парваришляпмиз.

Дарҳақиқат, бу хўжаликда замонавий агротехнологиялардан самарали фойдаланиш ҳисобига юқори ҳосилдорликка эришилмоқда. Томчилатиб сугориш технологияси сув тежамкорлигини таъминлаш билан бирга, ҳосил сифатига ҳам ижобий таъсир қилмоқда.

Шу кунги пресс-тур иштирокчилари тумanning яна бир қатор ҳудудларида бўлиб, амалга оширилаётган лойиҳалар билан танишдилар. Масъуллар ва соҳа мутахассислари журналистларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб беришди.

Таъкидланганидек, "Мингтепа" маҳалласида жорий қилинган "Бир маҳалла – бир маҳсулот" тамойили нафақат қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, балки аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш ва маҳаллалар иқтисодий салоҳиятини оширишнинг самарали механизмига айланмоқда. Узумчилик ва малиначиликдан олинаётган мўл ҳосил, яратилаётган янги иш ўринлари ҳамда меҳнатдан келаётган барака бунинг амалдаги исботидир.

Нигора УРОЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири

КОНЧИЛИКДА РАҚАМЛАШТИРИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

"Олмалик КМК" АЖда ишлаб чиқариш жараёнларини рақамлаштириш ҳамда замонавий геодезик технологияларни амалиётга жорий этиш ишлари изчил давом этмоқда.

▼ Тақдимот

Шу муносабат билан жамият Марказий аппаратининг маркшейдерлик бўлими томонидан замонавий 3D лазерли сканерлаш технологиясининг имкониятларини баҳолашга қаратилган амалий тақдимот ва синов ишлари ташкил этилди.

Синов жараёнида FJD Trion S2 3D LiDAR сканери

шейдерлик бўлими топографик-геодезик ва маркшейдерлик ишларидаги ўлчовчи Даврон Жумабоев таъкидлашча, мазкур технология ер ости объектларини қисқа муддатда рақамлаштириш, ҳажмий ҳисоб-китобларни аниқ амалга ошириш ва маркшейдерлик ўлчовларини замонавий ёндашувлар асосида бажариш имконини беради.

Амалий синовларда Марказий аппарат маркшейдерлик бўлими мутахассислари, Ковулди кон бошқармаси

▼ Press-tur

Nurafshon shahrida joylashgan Cyber University faoliyati, ta'lim jarayoni va talabalar uchun yaratilgan zamonaviy shart-sharoitlar bilan ommaviy axborot vositalari vakillarini yaqindan tanishtirish maqsadida press-tur hamda matbuot anjumani tashkil etildi.

Jurnalistlar dastlab universitetning zamonaviy infratuzilmasi bilan tanishdilar. Ular besh qavatli o'quv binosidagi kriptografiya, Wi-Fi Bridge va VoIP texnologiyalariga ixtisoslashgan laboratoriyalar, 300 o'rinni Axborot-resurs markazi, 501 o'rinni faollar zali hamda raqamli ta'lim muhitini ko'zdan kechirishdi.

Shuningdek, ishtirokchilarga barcha qulayliklarga ega 17 qavatli talabalar turarjoyi, kutubxona, oshxona, sport majmuasi va "Green Campus" konsepsiyasi asosida barpo etilgan ekologik infratuzilma tanishtirildi.

Shundan so'ng universitet rektori Shuhrat Qayumov boshchiligidagi matbuot anjumani o'tkazildi. Unda oliygohning

KELAJAKNI BIRGA QURAMIZ!



faoliyati, qabul jarayonlari, ta'lim dasturlari, xalqaro hamkorlik va istiqbolli rejalarni haqida batafsil ma'lumot berildi.

Ta'kidlanganidek, bugun raqamli iqtisodiyot, sun'iy intellekt va kiberxavfsizlik sohalarini jahan taraqqiyotining asosiy drayverlaridan biriga aylanmoqda. Davlatlarning raqobatbardoshligi axborot texnologiyalarini puxta o'zlashtirgan, zamonaviy bilim va amaliy ko'nikmalarga ega mutaxassislariga bevosita bog'liq. Shu nuqtai nazardan Cyber University mamlakatimiz uchun raqamli transformatsiya jarayoniga munosib hissa qo'sha oladigan kadrlarni tayyorlashni o'zining ustuvor vazifasi sifatida belgilagan.

E'tiborlisi, endilikda universitetga qabul Bilim va malakalarni baholash agentligi natijalari asosida amalga oshirildi.

– Bu yil bakalavriat uchun 1 ming 200 ta, magistratura-ga 75 ta qabul kvotasi ajratilgan, – deydi qabul komissiyasi raisi Ulug'bek Saidg'aniyev. – Talabalikka qabul qilinganlar uchun davlat granti asosida tahsil olish imkoniyati ham mavjud. Shuningdek, "Cyber Academy" tayyorlov kurslarini muvaffaqiyatli tugatgan yoshlar imtihon orqali qabul qilinishi, xalqaro IT sertifikatlari yoki nufuzli CTF musobaqalari g'oliblari esa suhbat asosida qabul qilinadi.

Universitetda ta'lim jarayoni

ланмаси 156,1 миллион АҚШ долларини ташкил этиб, бир йилда 128 фоизга ўсган.

Айни пайтда вилоятда Ўзбекистон-Беларусь қўшма капитали иштирокидаги 46 та корхона фаолият кўришмоқда. Уларнинг сони бир йил ичида икки баробардан зиёд ошгани ўзaro иқтисодий ҳамкорлик жадал суръатларда ривожланаётганини кўрсатади.

Форум якунида Гомель вилояти билан ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича ҳам келишув имзоланди. Бу эса Тошкент вилоятининг Беларусь билан ҳудудларaro шериклик қўламини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Бундан ташқари, ташриф давомида беларуслик тадбиркор Александр Зайцев ҳамда "Bremino Group", "SOHRA Group" каби йирик компаниялар раҳбарлари билан ҳам музокаралар ўтказилди.

Учрашувда логистика марказлари, боғхона терминаллари, "Қуруқ порт" инфраузилмасини ривожлантириш, халқaro юк ташиш, агросаноат маҳсулотларини қайта ишлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Айниқса, мазкур компанияларнинг транспорт ва карго тармоқлари Тошкент вилояти ақсортчилари учун Европа бозорларига чиқиш имкониятларини кенгайтириш таъкидланди. Беларусь томони вилоятнинг инвестициявий жозибadorлигини юқори баҳолаб, амалий ҳамкорликни кенгайтиришга қизиқиш билдирди.

Музокаралар якунида Александр Зайцев жорий ой охирида Тошкент вилоятига ташриф буюриб, истиқболли лойиҳаларни жойида ўрганишга тайёр эканини маълум қилди.

Беларусь сафари расмий учрашувлар билангина чекланиб қолмади. Эришилган келишувлар, имзоланган ҳужжатлар ва бошланган янги лойиҳалар Тошкент вилоятида юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ривожлантириш, экспорт салоҳиятини ошириш, инвестицияларни жалб қилиш ва янги иш ўринлари яратиш учун мустаҳкам замин яратди.

Ўткир ҲОШИМОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири

маркшейдерлик хизмати ҳодимлари ҳамда "INSTRUMART" компанияси техник мутахассислари иштирок этишди. Синов натижаларига қўра, кон маркшейдерлари томонидан белгиланган техник талаблар тўлиқ бажарилгани қайд этилди.

Мутахассисларнинг фикрича, ушбу технология ишлаб чиқариш самарадорлигини кўтартири, геодезик ва махсус ўлчовларни юқори аниқлик ҳамда хавфсизлик асосида амалга ошириш, шунингдек, кончилик тармоғида рақамлаштириш жараёнларини янада жадаллаштиришга хизмат қилади.

Абдулазиз МУСАЕВ

nazariya va amaliyot uyg'unligi asosida tashkil etilgan. Darslar birinchi bosqichda o'zbek va rus tillarida o'tilsa, yuqori kurslarda ingliz tilida olib boriladi. Bu esa talabalarning xalqaro mehnat bozorida raqobatbardosh kadr bo'lib yetishishiga xizmat qiladi. Shuningdek, Cyber University-da White Hacker, AI Engineer, IoT Defender, Code Master kabi texnik yo'nalishtar, kiber huquq, raqamli kriminalistika, kiberxavfsizlik menejmenti va raqamli iqtisodiyot bo'yicha ham mutaxassislar tayyorlanadi.

Oliyog'oda talabalarning bo'sh vaqtini mazmunli tashkil etish, liderlik qobiliyatini rivojlantirish va startap tashabbuslarini qo'llab-quvvatlash maqsadida xakatonlar, CTF musobaqalari, Startup Garage loyihalari, til kurslari va yozgi ta'lim dasturlari muntazam tashkil etilayotgani ham ma'lum qilindi.

Darhaqiqat, "Xavfsiz raqamli kelajakni birga quramiz!" shiori ostida faoliyat yuritayotgan mazzur universitetda yoshlarning bilim olishi, o'z ustida ishlashi va xalqaro darajada raqobatlasha oladigan mutaxassis bo'lib yetishishi uchun barcha imkoniyatlar yaratilgan.

Nigora ERKINBOYEVA

Илҳомга тўлган Зомин кунлари



Баъзан инсон ҳаётида шундай учрашувлар, шундай манзиллар бўладики, улар қалбингизда умрбод ўчмас из қолдиради. Айниқса, ижод йўлига энди қадам қўяётган ёшлар учун устозлар билан юзма-юз мулоқот қилиш, уларнинг ижодий сабоғидан баҳраманд бўлиш, адабиётнинг сирли ва масъулиятли оламини янада тереңроқ англаш катта бахтдир. “Зомин – 2026” республика ёш ижодкорлар семинари ҳам тенгдошларимиз учун ана шундай унутилмас мактаб, илҳом ва руҳий камолот даргоҳи бўлди.

▼ Тўйғу

Семинар Тошкент шаҳридаги Адиблар хиббонида буюк мутафаккир Алишер Навоий ҳайкали пойига гул қўйиш



маросими билан бошланди. Шу ондаёқ бу анжуманнинг маънавий руҳи ва юксак мақсади яққол ҳис этилди. Кейин эса улар Зомин сари йўл олишди. Жиззах вилоятида ёшларни самимий кутиб олинган иштирокчиларнинг кўнглига алоҳида илҳом бағишланди.

Анжуманнинг очилиш маросими Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиiddин Саййиднинг самимий табрик сўзлари билан бошланди. Орадан кўп ўтмай шеърят мухлислари иштирокида қизгин мушоира бошланиб кетди. Унда ёд ўқилган ҳар бир шеър, ҳар бир мисра қалбларга яқин экин.

Семинарнинг иккинчи куни эса ҳақиқий ижод мактабига айланди. Ёш ижодкорлар назм, наср, бадиий журналистика, бадиий таржима ва байналмилал адабиёт, болалар адабиёти, адабий танқид ҳамда драматургия йўналишлари бўйича гуруҳларга ажра-



либ, устозлар билан юзма-юз мулоқот қилдилар. Ҳар бир иштирокчи билан алоҳида ишлангани, асарларга холисона баҳо ва маслаҳатлар берилгани семинар иштирокчилари учун энг катта ютуқ бўлди.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Хайриiddин Султонов билан бўлган учрашув, унинг ҳаёт ва ижод ҳақидаги фикрлари ҳам ёшларда катта таассурот қолдирди. Адибнинг “Ялдо кечаси” китоби тақдироти ҳамда Республика Маънавият ва маърифат марказининг “Сўз” лойиҳаси иштирокчилари томонидан ушбу асар асосида намоёиш этилган шеърӣ спектакль барчани янада илҳомлантирди.

– Семинар давомида устозлардан эшитган ҳар бир фикр, ҳар бир тавсия мен учун янги ижодий изланишларга йўл очди, – дейди тадбир иштирокчиси Райҳона Маматқулова. – Биз нафақат ўз асарларимизни муҳокама қилдик,

балки адабиёт олдидagi масъулият, ижодкорнинг жамиятдаги ўрни, сўз қудрати ҳақида ҳам кенг фикр алмашдик. Анжуман якунида энг яхши асарлар сараланиб, “Биринчи китобим” лойиҳаси асосида нашр этиш учун тавсия қилинди.

Зоминдан фақатгина янги дўстлар ёки эсдаликлар билан эмас, балки янги орзулар, янги режалар ва ижодга бўлган янада кучли иштиёқ билан қайтдик. Чунки ҳақиқий устозлар билан бирга бўлган ҳар бир лаҳза инсонни маънан бойтади, қаламига ишонч бағишлайди.

Ишонамизки, “Зомин – 2026” семинарида иштирок этган ҳар бир ёш ижодкорнинг келажақда ўз ўқувчиси, ўз овози ва ўз сўзи бўлади. Бу анжуман эса ана шу буюк орзуларга элтувчи мустаҳкам пойдевор сифатида кўп йиллар давомида қалбимизда яшайди.

Умида ХУДОЙБЕРГАНОВА

Ўша гап – адабиёт миллат “руҳ”и ва “қон”ини белгилайдиган ягона “фан”! Адабиёт тарихни, мо- зийни доим етаклаб, миллатни “МИЛЛАТ” экан- лигини чин намоён этади. Адабиётда “янги гап” бўлмайди; “Ҳақ гап” бўлади, “Она сўз” бўлади.

Адабиёт сўз оламида тупроқ, башар, осмон, миллат, табиатнинг “яшаш”ини таъминлашдир. Борлиқни инсон онгида адабиёт каби ҳеч бир фан “яшаш” олмайди. Оламнинг ибтидоси “Сўз”дан яралган, интиҳоси ҳам “Сўз”да тугайди. Тупроқ билан сувни қориштирган билан одам бунёд бўлмаяжак; Яратганнинг “ЯРАП!” муждаси бўлмаса... Она ер бағрида олов гуриллаб туради, ер шарининг ядроси олов. Бобо кўёш ҳам олов, тинимсиз портлашлар жараёни кўёшда кечади. “Сўз” сўзининг ўзаги ҳам олов. Тупроқ билан сувга ҳам таф “Сўз”дан келгандир. Куйдирадиган ҳам, суйдирадиган ҳам, обод этгувчи ҳам, барбод этгувчи ҳам “Сўз”!

Сўзни маржондек тизилмаси назм, “райат манзиласи” наср. Шеър битмак, шеър айтмак башарга Одам Атодан мерос. Дунёдаги илк шеър Қобил ўлими, фарзанд доғида айтилган Одам Ато нафасидир. Шундан буён ҳар бир банданинг қалбида шеър яшайди. Ҳар бир инсоннинг ўз шеъри бор. Ҳар бир инсон шеър ёзади, шеър ёзган бўлади. Мен шеър ёзмаганман деган одам ёлгон айтган бўлади. Ҳеч курса севиб қолганда туйғуга, онасини тупроққа қўйганда ғамга, камалакни кўрганда ҳайратга тўлган бўлади. Бу жараёнлар қалбда ғалаён қилган, сўз орқали оламга айтилган бўлади.

Буни биров қозғаса туширай, биров эса тушира олмайди. Дардни айта олиш эса Парвардигор томонидан инсонга берилган бахт. Ва билмак керакки бу дунёда дардини қўшнисига ҳам айта олмайдиган “бахтсиз”лар кўп. Дардни қозғаса тушириш ёзувчиға, гузал қилиб тушириш эса шоирга берилган олий тўхфа. Бу қисматни Парвардигор манглайға битган бўлади, булар эса миллатнинг “миллийлиги” учун қурбонликка

келган “миллат”нинг танланган инсонларидир. Шоирлик улуг фидойилик. Ёзувчи ё шоир бўлиб қалам тебратган инсон борки бутун умр оқ қоғоз билан юзма-юз яшайди. Ўз қаҳрамонларини ўз қариндошларидек яхши билади, улар ҳақида қайғуради. Умри машаққат билан кечади. Ҳаётнинг барча жабҳасида яшаб кўради, барча ракурсларини рўйи-рост оппоқ қоғозда тасвирлагиси келади. Талай қаршилиқларга дуч келади. Теварақдаги олам тезроқ унинг тасвирига тушишга мойил бўлиб юрак дарвозаларини бетиним чертади. Унга эса муҳит ёзиш имконини бермайди. Бу жуда огир. Ўз халқни учун хизмат қилгиси келади. Халққа ёрдам бергиси келади. Қўшниси каттақўрса лой узатиб туради. Афсус, унга эса ҳеч ким ёрдам беролмайди. У тутатмоқчи бўлган асар охирига, ҳатто, бир донна нуқта қўйишга ярамайди у ёрдам берган инсонлар. У буюк жасорат эгаси бўлиши керак. Чексиз сабр-матонат унинг доимий ҳамроҳи.

Замон бетиним эврилишида. Вақтни тутиб қолиш қийин. Вақтдан ташқарида яшаш – ижод онларидир. Бу унинг энг бахтли дамлари. Бутун оламни унутиб шу бахтдан масрур лаҳзалари, вақтдан ташқарида яшаб қолишидир. Бу бахтга эса барча инсонлар мушарраф бўла олмайди. Одамлар тирилик ва ўлим ҳақида мушоҳада этади, аммо мушоҳадасига нуқта қўёлмайди. У эса ҳар бир фикр охирига нуқта қўйиш бахтига мушарраф инсон...

Шоир халқ орузидаги инсон! Амир Алишер эл ният қилган инсон эди. Тарих зарваракларида асога суяниб боғ аро ҳаёлга чўмган тасвирлари бордир, аммо ҳаётининг аксар қисми қўлида қалам билан ўтган. Ер юзида китоб қўтиқлаган ҳайкаллари кўпдир, бироқ қилич яланғоч-

лаб Ҳирот қамалларида халқ билан бирга жон олиб, жон берган. У Амир эди, белида қилич боғлиқ эди. Амир Алишер наинки Ҳирот ва Хуросон равнақи учун, балки бутун туркий эллар равнақи учун ҳам фидойи бўлиб яшади.

▼ Мулоҳаза

Тан олдириш эса яратилган асарнинг халқ руҳига нақадар яқинлиги билан ўлчанади.

Шеър – бу ибодат. Руҳ ва танни поклашнинг энг қадимий ва абадий йўли фақатгина шеърда мужассам. Бир шеърни ниҳосига етказсанг руҳан покланасан, енгиллашасан. Ундан кейинги фараҳ эса жаннатий фараҳдир. Ёлғиз ўзинг қайта ва қайта шивирлаб ўқиб кўрасан... Ўз “мен”ингга эътибор берасан. Атрофингга тийрак назар ташлайсан. Сен, Яратган ва ичингдаги “мен”. Хушомадлар, қарсақлар, ёлгонларга қўнқикан инсон-

тиб ҳам. Лабни бўяб, ё кўзни бўяб Ватанин севиб бўлмайди, эрни севиш мумкин. Ёлгон билан фақат рўзгорни бойитиш мумкин, аммо қалбни ва миллатни эмас. Ватандан кўра ўз рўзгорини кўпроқ ўйлаган ижодкор ижодида “рўзгорбоп” қўшиқлар янграйди. Истадими-йўқми бу қўшиқларни халқ эшитида. Бу қўшиқлар миллатнинг онгига таъсир қилади, халқ ёлгонга ўргана бошлайди. Ижодга қадам қўйган ҳар бир инсон, энг аввало ўзининг “мен”и билан кириб келади. “Мен”и бор инсоннинг юзи оқармайди, қизаради.

“Миллатнинг жаҳоҳир-



нинг ўз “мен”и бўлмайди. Жимжима ва шовқин ичра яшашжак. Дунёға, ўткинчи жилваларга ҳавас этганлиги маълум бўлмай. Ватанни ҳам, миллатни ҳам, тупроқни ҳам “ўчмас сатрлар” ичра кўра билмағай. “Ватан, жон ватан, мен сени севаман” деб амалдорларга ёқмак учун ёлгон ёзгайлар. Ўз “мен”ига эга инсон эса юрти ҳақида қуйласа... Гарчи оддий бўлса ҳам тожик шоири Лойиқ Шералининг “Ватан ягонадир, Тожикистон биттадир...” ё Муйиддин ибн Арабийнинг “Агар жаннат кўкда бўлса остида Дамашк, агар жаннат ер остида бўлса устида Дамашк...” каби сатрларидек ўчмас сатрлар ярата олмай. “Мен”и йўқ инсон тўйга айтадиган жарчиға ўхшаб қолади.

Ватанини онага менгаймиз, бироқ она мен сени яхши кўраман дея сахналарга отилиб чиқмаймиз, руҳан ҳис қиламиз. Сочи хўллаб тараб ҳам шоир бўлиб бўлмайди, юзга ула сур-

лари” бой берилган юрт таназзулга ўз тутайди. Миллатимизда турли мансаблару, унвонлардан юксак турадиган инсонлар бўлган. Ҳазрат Навоий, Ал-Хоразмий, Ибн Сино, Беруний, Мирзо Бобур, Мирзо Улуғбек, Имом Бухорий, Ат-Термизий, Машраб... Гарчи бу инсонларнинг аксарияти ўз юртидан қувилган бўлса-да, улар қолдирган мерос шу юрт равнақи учун, башарият учун хизмат қилди, хизмат қилиб келмоқда. “Қон” тоза сақланса бу “ном”лар давом этади ҳали. Биз “Янги Ўзбекистон” дея бекор номламадик, “Учинчи ренессанс” ҳам қуруқ орзу эмас. Умид эл мушкулени осон этгай.

Ижодкор вазифаси халқ онгини юксалтириш, мудра-

лган туйғуларини сергалантириш. Халқ савиясини туширишга хизмат қиладиган асарлар эса “миллат”га хоинлик қилаётган “асар”дир. Бирор нўноқ шоир ё ёзувчининг асарини ўқиган, ё қўшиғини эшитган инсон даражаси шу “ижодкор” даражасидан қуйи бўлса, албатта, ўша асар таъсирига тушиб қолади. Кўча газитларидаги бирор сатри йўқ, олди-қочди воқеалару сўз бойлиги жуда кам бўлган гап тузилмаларини бир-бирига улаб борилган “сериллар”ни ҳар ҳафта қолдирмай ўқийтган аёллар каби шу жараён ичиде яшайди. Унинг онгига эса на миллат, на келажақ бўлади. Фарзанди “Болам Москвадан пул топиб кел, уйлан!”дан ортиқ сўз айтолмайди.

Шеър қалб таржимаси экан, ўз қалбига, ўз “мен”ига содиқ ва ҳукмрон бўлмаган инсон, ёзган сатрига ҳам ҳукмронлик қила олмайди! Қалб хушомаду ялтоқланишга мойиллашади. Бу “ёлгон”ни юзга чиқаради.

Араб сайёҳи Ибн Батута ўзининг “Саёҳатнома” асарининг “Эвалатан таърифи” бобида “Кулгига қолган шоирлар” ҳақида шундай сўз юритади: “...Барчалари ичкар(сарой)га олашақшаққа ўхшаб патлардан ясалган шакл ичиде қирадилар. Шакл тепасига ёғочдан қизил тумшук ўрнатилган. Хуллас, мансо ҳузурда мана шундай кулгиги қиёфага кириб шеър айтадилар...”

Шундан сўнг шоирлар раиси банбийнинг биринчи зинасига чиқиб бошини дастлаб султоннинг қўксига қўяди, сўнг зинани энг тепасига чиқиб, аввал султоннинг ўнг елкасига, кейин чап елкасига қўйиб ўз тилларида нима-лардир дегаҳ қайтиб тушади. Менга айтишларича, бу уларнинг Ислоддан олдин ҳам қилиб юрган одатлари бўлиб бугунги кунда ҳам уни давом эттираётган эканлар... Шоирлар шеърининг маънисини панд-насихату ўтганларни улуғлашдан иборат экан...

Маънавияти таназзулга юз тутган элдагина шоирлар кулгига қолади. Ҳар қандай ижодкорга ҳайкал халқ орқа-

ли, ё биров орқали қўйилмайди. Ижодкор ўз асарлари орқали ўзига ўзи ҳайкал қўяди. Бу эса жасоратга ва қалбга боғлиқ. Қалб Парвардигор томонидан берилади. Қалб бу – қонни филтёрлайдиган юрак ё тана аъзоси эмас. У “руҳ” аъзоси. Бадиий даражаси паст бўлган асарлар руҳни юксалтирмайди. Унга таъсир ҳам қила олмайди, аксинча, ақлга таъсир қилиб халқ онгини туширишга хизмат қилади. Халқ эса ўзининг онг даражасидан келиб чиққан ҳолда, Навоий қолиб фикри маҳдуд мадҳоҳни ўқий бошлайди. Енгил-елпи қўшиқларни тинглай бошлайди. Миллат қонини тоза сақлаб қолиш эса чин ижодкорлар елкасидеги бурч. Хофизлиги йўқ хофизни тинглашга, шоирлиги йўқ шоирни ўқийшга халқни қизиқтириш, миллатнинг онгига нисбатан “хиёнат”дир. Ҳашам ё даврага “учиб” турли тақинчоқларни исталган жойга тақишу, турли упаллиқни юзга суртиш қизни безаш ўрнига уни шарманда қилганидек, ёлгон жимжималарга махлиё бўлиш миллатни ҳам шарманда қилади. Facebook, telegram, instagram, турли интернет сайтлари, нашриётлар, газитлар, телевидение, радио, тўй ва ҳоказоларга “ўзини осаётган” “нўноқ”ларнинг аксарияти билмайдикки, халқ онгига таъсир этаётганини, миллат фарзандлари уларнинг онг даражаси билан шаклланаётганини.

“Сўз” алдовга эмас, “Ҳақ”қа ташнадир. Инсон халқни, миллатни алдаб қочиб кетиши мумкин. Аммо, инсон ўзидан қочиб кетолмайди. Жон чиқишида “Ҳақ” деб чиқади. Жон томоқдан Ҳақ орқали чиқади. Барча она ўз тилида алла айтмайди. Алланинг оҳанглари эса юракнинг уриш ритми билан бир хил бўлган. Илк бор биз алла матнидаги сўзларнинг жилваси ичра яшаганмиз. Бешик дунёдек тебранаётганда танамиз она қўксига тамшанган бўлса, руҳимиз “алла”ни, “Сўзни эмий уйкуга кетган. Она “қон”дан “сўт”ни айтариб тутган. “Қон”ни тоза сақлайлик.

Талант ТОЛЕРАНТ


Талант ТОЛЕРАНТ 1985 йил Самарқанд вилоятида туғилган. Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат тил ва адабиёт университетини тугатган. “Феруза осмон”, “Илоҳий қўшиқ”, “Мангу афсона” шеърӣ тўпламлари нашр этилган.



Оромгоҳлар чорлайди сизни...

▼ Болалар ёзи

Болалар учун ёзги таътилнинг энг ёрқин ва унутилмас манзилларидан бири, шубҳасиз, соғломлаштириш оромгоҳларидир. Бу ерда улар мазмунли дам олиш билан бирга янги дўстлар орттиришади, қизиқарли машғулотларда иштирок этишади ҳамда спорт билан шуғулланишади.



Тошкент вилоятидаги оромгоҳларда ҳам ўғил-қизларнинг ёзги таътилни мароқли ва мазмунли ўтказишлари учун яхши шароитлар яратилган. Шу боис йилдан йилга бу масканларга болалар оқими кўпаймоқда.

Жумладан, Бўстонлик туманида жойлашган «Чимён» оромгоҳида мавсум бошидан бери юзлаб болалар маза қилиб дам олишмоқда. Бу ерда «Аммофос-Максам» акциядорлик жамияти томонидан хавфсиз ва қулай муҳит яратилган. Болаларга беш маҳал экологик тоза маҳсулотлардан тайёрланган таомлар берилди. Улар учун маънавий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари, жамоавий уйинлар ташкил этилмоқда.

Оромгоҳ раҳбари Иноят Эргашевнинг таъкидлашича, болалар «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида қўлат экиш ишларида қатнашишмоқда. Оромгоҳнинг Аxbорот-кутубхона марказида 1 минг 400 дан ортиқ бадиий ва илмий-оммабоп китоблар жамланган. Шунингдек, сузиш ҳавзаси, футбол майдони, волейбол ва баскетбол майдончалари ҳамда расм чизиш, «Моҳир кўллар», «Ёш эколог» тўғрақлари фаолият кўрсатмоқда. Фавқуллода вазиятлар хизмати ва мутасадди ташкилотлар томонидан ёнғин ҳамда фуқаро муҳофазаси талаблари-

га тўлиқ риоя этилиши назоратга олинган.

Мазкур тумандаги «Ниҳол» оромгоҳи қарийб 3 гектар майдонда жойлашган. Оромгоҳда беш мавсумда 7–14 ёшли мингдан зиёд болалар дам олишади.

Бу ерда робототехника, LEGO-конструкторлик, кум анимацияси, китобхонлик, қулолчилик, тикиш, тўқиш, бисер йўналиши, қўғирчоқ театри, хорижий тиллар ва

сузиш тўғрақлари йўлга қўйилган. Айниқса, оромгоҳдаги «Медиа, нотиклик, блогерлик ва журналистика» клуби болаларнинг нутқ маданияти, эркин фикрлаши ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

«Афсона» оромгоҳида эса ҳар бир мавсум болалар учун ҳақиқий байрамга айланади. Бу ерда мунтазам очилиш ва ёпилиш маросимлари, концертлар, интеллектуал уйинлар, квестлар, фильмлар намойиши, кечки кўнгилочар дастурлар ва ижодий танловлар ўтказилади.

Оромгоҳда жисмоний тарбия ва соғлом турмуш тарзига алоҳида аҳамият қаратилган. Болалар спортнинг футбол, волейбол,

баскетбол, сузиш ва бошқа турлари билан шуғулланиб, мусобақаларда иштирок этишмоқда.

«Қўбрай» болалар соғломлаштириш оромгоҳи ҳам вилоятдаги энг намунали оромгоҳлардан саналади. «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти тасаруфидидаги ушбу масканда мамлакатнинг турли ҳудудларидан юзлаб болалар дам олишмоқда. Уларнинг сифатли овқатланиши ва саломатликлари доимий назоратда.

Бу ерда спорт мусобақалари, спартакиадалар, шахмат, шашка, стол тенниси бўйича беллашувлар, шунингдек, кино, мусиқа, тасвирий ва амалий санъат тўғрақлари ташкил этилган. Тажрибали тар-

биячилар билан бир қаторда олий таълим муассасалари талабалари ҳам болалар билан

ишлаб, уларнинг ижодий салоҳиятини ривожлантиришга ўз ҳиссаларини қўшишмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Тошкент вилоятидаги болалар соғломлаштириш оромгоҳларида ўғил-қизлар мароқли ва мазмунли дам олиб, янада соғломлашиб, кучга тўлишмоқда. Бу уларнинг янги ўқув йилида яхши ва аъло баҳоларга ўқишлариغا пухта замин бўлади.

Ўз муҳбиримиз

▼ Шанба сабоқлари

Мендан кўпинча: «Биринчи ўқиган китобингизни эслайсизми?» деб сўрашади. Тўғриси, эслай олмаيمان. Аммо биринчи эшитган, тинглаган китобларим ёдимда. Улар катталар томонидан узоқ қиш тунлари меҳмонхоналарда, сандал ёнида ўқиладиган жангнома китоблар, эртақлар, қасидалар эди. Абу Муслим жангномалари, Иброҳим Адҳам қиссаларини жон қулоғим билан тинглардим. Бу китоблар қаерда ўқилаётган бўлса, ўша ерга тортинмай боравардим.

Кейинроқ ўқиган китобларимни эслайман. Стефан Цвейгнинг «Нотаниш аёл мактуби»ни катталардан яшириб ўқиганман. Француз озодлик ҳаракати йўлбошчиларидан бири – афсонавий қаҳрамон Жанна д'Арк ҳақидаги китобни ўқиганимда китоб отлиги бу илоҳий неъмат ҳақидаги тасаввурим янада тиниқлашган.

Фавқуллода жасоратли бу аёл мени ўзига тамомла ром этган. Жоҳиллар уни оловда кўйдиришгани тушларимга кириб чиққан. Йиллар ўтиб, йўлим Францияга тушганида, Версал саройининг маҳобатли залларидан бирида Жанна д'Арк билан юзма-юз келдим.

Моҳир мўйқалам устаси Янги Орлеан учун бўлган жангнинг ғолиб қаҳрамонини от устида шу қадар жонли тасвирлаган эдики, суюкли қаҳрамонимнинг кўзида нур кўргандай, нафас олиши-ю, юрак уришини эшитиб тургандай бўлдим.

Ҳаёт мени бир хулосага олиб келди: эртақ, саргузашт китобларни кўп ўқиган бола

билан китоб ўқишга ўргатилмаган боланинг феъл-атворида кескин фарқ бўлар экан. Китобхон болаларнинг нутқи раван, фикрлаш доираси кенг

бўлиш кимга ёқмайди дейсиз, қўлимга нима туша, танламай ўқийверганман. Қирғиз тилида ёзилган битта китобни роса қийинчилик билан охи-

ниш аёл мактуби» китобини ҳам шу тахлит, рус тили ўқитувчимизнинг столдан «Билдирмасдан олиб» ўқиганман ва шу шаккоқлигим сабаб, «Француз тили ўқитувчиси» фильмининг ёш қаҳрамонига айланишимга сал қолган.

Тошкент давлат университетига ўқишга келгач, кўплаб бадиий китобларни домлаларимиздан баҳо олиш учун зудлик билан у ер-бу ери-ни «чўқилаб» чиқишга тўғри келди.

Тасаввур қилинг: имтиҳонга икки-уч кун қолганида тунни тун, кунни кун демай, Лев Толстойнинг «Уруш ва тинчлик», «Анна Каренина» асарларини, Оноре де Бальзак, Эмил Золя, Фенимор Купер ва яна шу каби ўнлаб классикларнинг ёстиқдай-ёстиқдай асарларини ўқиб чиқишга, ҳеч

бўлмаганда мазмунини айтиб беришга мажбур бўлганмиз.

Хорижий адабиёт бўйича имтиҳонда менга Эмил Золянинг «Жерминал» асари тушиб қолса бўладими! Очиги, бу асарни умримда ўқимаган эдим, аммо бир тўппамда айни шу муаллифнинг «Маркизининг елкалари» сарлавҳали ишқий эссесига кўзим тушганди. Таваққал қилиб домлага шу эссенинг мазмунини ўзимдан бироз қўшиб, айрим жойларини бўрттириб айтиб бердим. Домла астойдил қизиқиб қолди ва менга яхши баҳо қўйди. Йиллар ўтиб, «Уруш ва тинчлик»ни ҳам, «Анна Каренина»ни ҳам, Бальзак, Хемингуэй, Драйзер, Бунин, Чехов, Гоголь ва бошқаларнинг машҳур асарларини ўзим учун, ички бир эҳтиёж сабаб учинчи марта ўқишимга тўғри келди. Бу ўқиш ҳақиқий ўқиш бўлди.

Китоб ўқир эканман, улардан топган дур-жавоҳирларим, англаган ҳақиқатларим, мутолаа жараёнида ҳаёлимга келган ажойиб фикрларни бошқалар билан баҳам кўриш, бу буюк таваққур хазинасидан баҳраманд бўлмаганларни китобхонликка чорлаш мен учун ёқимли машғулотга айланди. Ўзим учун янгилик бўлган сўз ва ибораларни, ноёб воқеа-ҳодисалар талқини, улғу аждодларимизнинг ҳикматли сўзлари, хотирада тўла сақланиши қийин бўлган фактларни ён дафтаримга ёзиб бораман. Мендан бу дунёда топган ва фарзандларимга қолдирадиган мерос ҳақида сўрасалар, ҳеч иккиланмай, ана шу ёзувларимни айтган бўлар эдим...

Аҳмаджон МЕЛИБОВЕВ

▼ Ибрат

ЎЗ ҲАЁТИНГИЗНИ ЎЗИНГИЗ ҚУРИНГ!

Мана бу тарихий суратга эътибор беринг. Африканинг Жанубий Родезия (собиқ Зимбабве) ўлкасидан бўлган марафончи Матиас Канда мусобақага тайёрланиш чоғида доим Гверу ва Селукве шаҳарлари орасида қатновчи пассажир поездди билан пойга қилган...

Шу тўғрисида у энг нуфузли марафон пойгалаарида 3 мартаба олтин медални кўлга киритган.

Бойлар билан тўла поезднинг бор кучи билан ўт олаётганини ва қашшоқ оиладан бўлган Матиас-

нинг жон-жаҳди билан чопаетганини қандай таърифлаш мумкин?


Бир ойда бир қорни тўйиб овқат емайдиган Матиас бу куч-қувватни, бу матонатни қаердан олди экан.

Жавоб битта! Одамлар танқидига, гап-сўзига қарамай ўзига, бахтли келажагига бўлган чексиз ишончдан!

Матиасдан ўрнатқилин!

Ўз ҳаётингизни ўзингиз қуриш!

Ҳўш, бугун бахт сари қанча қадам ташладингиз?!



Интернет маълумотлари асосида тайёрланди

ЗўР ОДАМ БЎЛИШ УЧУН НИМА ҚИЛИШ КЕРАК?

бўлади, феълда меҳрибонлик, бировни беҳуда ранжитмаслик, жонзотларга озор бермаслик каби хусусиятларни кўриш мумкин.

Китобга қизиқишимга муаллимларнинг: «Зўр одам бўлиш учун кўп китоб ўқиш керак», деган гапи сабаб бўлган. Зўр

рига етдим. Билсам, у баҳорда қўзилаш мавсумини қандай ўтказиш кераклиги тўғрисида ёш чўпонларга тавсия экан...

Бир кун юқори синфда ўқийдиган болалар домлалардан яшириб бир нимани ўқишгаётганини сезиб қолдим.

«Анна Каренина» асарларини, Оноре де Бальзак, Эмил Золя, Фенимор Купер ва яна шу каби ўнлаб классикларнинг ёстиқдай-ёстиқдай асарларини ўқиб чиқишга, ҳеч

TOSHKENT HAQIQATI
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

TOSHKENT
VILOYATI
HOKIMLIGI



“Toshkent haqiqati” va
“Tashkentskaya pravda” gazetalarini
tahrir hay’ati:

Zoyir MIRZAYEV (tahrir hay’ati raisi),

Abdusamad NOSIROV, G’afurjon MUHAMEDOV,
Sayyora FAYZIYEVA, Abduvosit ABDURAZZOQOV,
Mahmud TOIR, Azamat MIRZAYEV,
Uskenboy ATEMOV, Abdulla XURANOV,
Otabek SULTONBEKOV, G’ayrat SHERALIYEV,
Kumush EGAMBERDIYEVA,
Olimjon BEGALIYEV, Sergey MUTIN

Bosh
muharrir:
To’xtamurod
HASANBOYEV

Navbatchi:
Zikrilla
MUHAMMAD

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy
kommunikatsiyalar boshqarmasida
2011-yil 12-yanvarda
03-001 raqami bilan
ro’yxatga olingan.

Qabulxona: (55) 520-64-95. Bosh muharrir o’rinbosari: (55) 520-04-10.

Mas’ul kotib: (55) 520-05-10. Bo’lim muharrirlari: (55) 520-06-20, (55) 520-04-20.

E’lonlar va hisob-kitob bo’limi: (55) 520-21-20.

e-mail: toshkenthqiqati@umail.uz

Gazeta “Toshkent haqiqati” tahririyati kompyuter markazida terildi va Tohir Mahmudxo’jayev tomonidan sahifalandi. Haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.

Manzil: 111500, Nurafshon shahri, Toshkent yo’li ko’chasi, 90. Toshkent shahridagi ofisimiz: Bektemir tumani, Ittifoq ko’chasi, 2. ISSN 2010-9318.

Bosishga topshirish vaqti – 20:00. Bosishga topshirildi – 19:40. Nashr ko’rsatkichi – 205.

7 764 nusxada chop etildi. Hajmi – 2 taboq. Buyurtma G-735.

Ofset usulida bosildi. Qo’g’oz bichimi A-2. Bahosi kelishilgan narxda.

«SHARQ»

nashriyot-matbaa
aksiyadorlik
kompaniyasi
bosmaxonasida
bosildi.

Korxona manzili:
Toshkent shahri,
Buyuk Turon
ko’chasi, 41-uy.